ЎзССР Давлат архиви тасдиқловчи ҳалатаси
Ю 0 НПЯ 15841

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 244 (5535).
24 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ИҚТИСОДИЙ, СОЦИАЛ ВА ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ, СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МЕҲНАТ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИНИ НГ ҲУҚУҚЛАРИДАН ТЎЛАРОҚ ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

Юбилей меҳнат вахтасида

КОММУНИСТЛАР ИБРАТ БЎЛИШМОҚДА

«Ташсельмаш» заводида КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган кунининг 60 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олишга бел боғлаган фидойинлар коллективининг кўпчилигини ташкил этади. Раҳимбой Файзибоев ана шундай ишчилардан саналади. Моҳир силлиқловчи социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда.

Р. Файзибоев меҳнат қиладиган 27-асбобсозлик цехида жами 55 нафар коммунист бор. Б. Назаров, Б. Ушомирский, М. Икромов, Қ. Сурманов сингари фидокорлар ҳозирги кунда юбилей шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

БУГУН

илғорлар участкаси коллективининг октябрь ойида тайёрлаган маҳсулоти 40 минг сўмликка етди. Пешқадамлар ой охиригача 48 минг ўрнига 50 минг сўмлик ҳар хил деталлар тайёрлаш учун ҳаракат қилишяпти.

Мана шундай илғорларнинг ғайратшижоати туфайли «Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқаришда графикдан илгарилаб боряпти. Завод бош конвейеридан йил бошидан бери планга қўшимча 32 та «замгори кема» тушириб олинди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 23 октябрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленумни очиш вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко катта нутқ сўзлади.

Пленум «Мамлакатнинг озиқ-овқат фондини муттасил ошириб бориш мақсадида узоқ муддатли мелиорация программаси, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов доклад қилди.

Музокараларда КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари В. К. Гусев, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. Н. Слюньков, Ставрополь ўлкаси, Степнов районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг раиси Н. Д. Терешченко, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Гроссу, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари Г. П. Разумовский, РСФСР қишлоқ хўжалиги министри В. П. Никонов, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Аксенов, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус қатнашдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарор қабул қилди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Шу билан Пленум ўз ишини тамомлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар!

Бугун КПСС фаолиятининг олий мақсади — совет кишилари турмуш даражасини муттасил оширишга бевосита тааллуқли бўлган масала кўриб чиқилмоқда. Гап қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчиллик билан интенсивлаш, ерларни кенг кўламда мелиорациялаш асосида озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга қаратилган катта-катта қўшимча тадбирлар тўғрисида бормоқда.

Маълумки, биз Марказий Комитетнинг 1982 йил май Пленумида мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини коллектив равишда ишлаб чиқиб, тасдиқлаган эдик. Орадан фақат икки йил ўтган бўлса-да, бу йиллар самарали давр бўлди, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

1983 йилда мамлакатнинг бутун тарихи давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотининг энг юқори ҳажмига эришилди. Бу йил ҳам ниҳоятда нокулай об-ҳаво шароитларида, жуда қаттиқ қурғоқчилик бўлишига қарамай, кўпгина районларда қишлоқ меҳнаткашлари натижа кам бўлмаслиги учун қаҳрамонона курашмоқдалар. Бугуннинг ўзидаёқ шу нарса равшанки, 1983—1984 йилларда етиштирилган жами қишлоқ хўжалик маҳсулоти беш йилликнинг дастлабки икки йилидагига нисбатан тахминан йигирма миллиард сўмлик кўп бўлади.

Чорвачиликда рўй бераётган ўзгаришлар айниқса қувончлидир. Сут етиштириш ўртача йиллик миқдори 7,4 миллион тонна, гўшт етиштириш — 1,4 миллион тонна, тухум етиштириш эса 4,6 миллиард дона кўпайди. Сабзавот ва мева ҳосили анча ошди. Бу — баъзи қимматли маҳсулотларни истеъмол қилиш даражасини ошириш имконини берди, бу эса совет кишилари овқатланиши структурасини яхшилашга ҳам таъсир ўтказди.

Хуллас, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муваффақиятлар мавжуд ва улар шубҳасиздир. Шу муваффақиятлар тўғрисида гапириб ўтмаслик дала ва фермалар ходимларининг фидокорона ҳамда қийин меҳнатига муносиб баҳо бермаслик бўлур эди. Партия комитетлари, совет ва хўжалик органларининг қишлоқдаги қизғин ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларига муносиб баҳо бериш керак. Саноатдаги, қурилиш, транспорт, бутун халқ хўжалигидаги меҳнат коллективларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, га қўшаётган ғоят катта ҳиссасини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

Биз қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ошириш соҳасидаги куч-ғайратларимизни бундан буён ҳам кўпайтира беришимиз, агросаноат комплекси барча тармоқларининг муваффақиятли ишлаши учун зарур шароитлар вужудга келтиришимиз шарт, албатта.

Дон етиштиришни муттасил кўпайтириб бориш — аввало бўлганидек ҳозирда ҳам энг асосий проблемадир. Дон етиштиришни ўстиришнинг шундай суръатларини таъминлаш керакки, яқин йиллар ичида мамлакатнинг барча талаб-эҳтиёжлари тўлатўкис қондириладиган бўлсин.

Кечиктириб бўлмайдиган иккинчи вазифа — чорвачиликдаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлашдан, уни жадал ривожлантириш учун барча зарур ишларни қилишдан иборатдир. Биз аввало подани сифат жиҳатдан яхшилаш ва ем-хашак базасини қатъиян мустаҳкамлаш йўли билан чорва маҳсулдорлигини оширишимиз керак. Мавжуд чорва моллардан ем-хашак, меҳнат ва маблағларни оқилона сарфлаган ҳолда кўпроқ маҳсулот олиш — чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши лозим.

Ҳеч шубҳасиз, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсивлаш, уни саноат негизига ўтказиш — мана шу ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Биз қишлоқ хўжалигига капитал маблағ сарфлашни бундан буён ҳам ошираверамиз, унга техниканы, бошқа моддий воситаларни кўпроқ етказиб бераверамиз, албатта. Аммо бугун ҳам, келгусида ҳам ана шу ресурслардан юксак самара билан фойдаланиш, уларни энг кўп ва тез самара олиш мумкин бўлган участкаларга жамлаш асосий вазифадир.

Бундай ёндашув ҳозирдаёқ саноат паррандачилигида, чорвани сўқимга боқишда, маккажўхори, қанд лавлаги, бошқа экинларни саноат технологияси асосида етиштиришда салмоқли натижаларни таъминлади. Яқинда Марказий Комитет Сиёсий бюроси кузги ва баҳорги буғдой етиштиришнинг интенсив методларини жорий этиш тадбирларини маъқуллади. Бундай методлар мамлакатга қўшимча миллионлаб тонна дон бериши керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида мана шу бош йўлдан кенг жабҳада ҳаракат қилиб бориш лозим.

Ўртоқлар! Ҳозирги босқичда эришилган барча ижобий натижалар ва биз қилишимиз лозим бўлган ишлар кўп жиҳатдан қишлоқни социал ўзгартиришга доир кўрилаётган тадбирларга боғлиқдир. Партия кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг меҳнати ва турмуши учун, маданий ҳаётини янада равнақ топтириш учун тегишли шарт-шароитларни вужудга келтиришни ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларнинг негизи деб билмоқда. Сиёсий бюро бу масалаларга зўр эътибор бериб келмоқда ва бундан буён ҳам шундай эътибор бераверади. Бугун биз қишлоқ меҳнаткашларининг турмушида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда деб, қишлоқларимизнинг қиёфаси яхшиланиб бормоқда деб, жуда равшан айта оламиз.

Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида қишлоқда жами саҳни 132 миллион квадрат метрга борадиган уй-жойлар фойдаланишга топширилади, бу эса ўн миллиондан кўпроқ кишининг уй-жой шароитларини яхшилаш имконини беради. Мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш ва маданият объектлари қурилиши кўламлари кенгайди, маиший хизмат такомиллаштирилмоқда, колхозчилар билан совхоз ходимларининг реал даромадлари йил сайин ортиб бормоқда, моллар сотиш тез кўпаймоқда.

Ўртоқлар, қуйидаги рақамларнинг мазмини чақиб кўринг. СССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, ҳозир қишлоқдаги ҳар юз оиланинг 85 тасида телевизор, 87 тасида радиоприёмник, 73 тасида холодильник, салкам 60 оилада эса кир ювиш машинаси бор. Қишлоқ жойларидаги деярли ҳар икки оиланинг бири енгил автомобиль ёки мотоциклга эга. Буларнинг ҳаммаси программавий вазифаларимиздан бири — қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ҳаётий аҳолиси турмуш даражасига яқинлаштириш вазифасини ҳал этиш йўлидаги кўзга кўринарли ютуқлардан далолат беради.

Шундай бир масалани олиб кўрайлик. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш тўғрисидаги маълум қарорлар қабул қилингандан кейин аҳолига қарашли қорамоллар сони бир миллион олти юз минг бош кўпайди, чўчқалар туёғи ҳам худди шундай ошди. Қўй ва паррандалар кўпроқ парвариш қилинадиган бўлиб қолди. Булар бизнинг колхоз-совхоз ишлаб чиқаришимизга муҳим қўшимчадир.

Кейинги йилларда қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кетиб қолиши камая бошлаганлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман. Шуни тўппа-тўғри айтамизки, бу — оғзиқиб кутилган жараён бўлиб, энди ликда у реал воқеликка айланиб қолди, уч йил мобайнида одамларнинг қишлоқдан кетиб қолиши умуман саккиз процент камайди. Россия Федерациясида — 24 процент, Ноқоратупроқ зонада эса — 30 процент камайди.

Қишлоқ оилаларида туғилиш ошганлиги ҳам жуда муҳимдир. Шу беш йилликда РСФСР, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикалари учун бу хусусият айниқса хосдир. Ваҳолонки, мазкур регионларда демографик соҳасидаги маълум қийинчиликлар ҳали сақланиб қолмоқда. Умуман мамлакатда эса, 1983 йилда қишлоқдаги туғилиш кейинги йигирма йил мобайнида энг юксак даражага етди.

Ўртоқлар, мен қисқача нутқимда Озиқ-овқат программаси бажарилишининг дастлабки якунларини тўлатўкис анализ қилишни мақсад қилиб қўйганим йўқ. Бир нарсани қатъий қилиб айтиш мумкинки, бу программа амалга оширилмоқда ва буни совет кишилари яққол кўриб турибдилар.

Биз асло хотиржам бўлиб қолмоқчи эмасмиз, албатта. Қишлоқ хўжалигининг бир қанча участкаларидаги аҳвол қийин бўлиб қолмоқда. Шу тармоқ маҳсулотини етиштириш мамлакатнинг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларидан ҳали орқада қолмоқда. Эришилган барча ижобий натижаларга қарамай, кўпгина шаҳарларнинг аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва аввало гўшт билан таъминлашдаги танқислик ҳали бартараф этилмаган. Бу ҳам Марказий Комитетни ташвишлантирмоқда, бу ҳақда кун сайин ғамхўрлик қилинмоқда.

Ҳаёт қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш йўлида ўртага қўяётган проблемалар янгича, жуда самарали ҳал этилишини талаб қилади. Бунда гап йўл-йўриқларимизни ўзгартириш тўғрисида эмас, балки чинакам нова торларча ва ижодий ёндошув йўлларини қидириб топиш ҳақида бормоқда.

Марказий Комитет шунга асосланиб, бугунги кунда ерларни мелиорациялашни кенг кўламда авж олдириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиб, буни қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, мамлакат озиқ-овқат фондини барқарор кўпайтириб боришнинг ҳал қилувчи омили, деб билмоқда.

Ўртоқлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қандай мураккаб шароитларда юритишимизга тўғри келаётганлигини сизлар яхши биласизлар. Чунки экин майдонларининг ғоят катта қисми ноқулай табиий иқлим шароитларида жойлашган, қурғоқчиликка дуч келмоқда. Шундай аҳволда барқарор ҳосил олиш учун қишлоқ хўжалигининг об-ҳаво инжиқликларидан зарар кўришини ниҳоятда камайтириш керак.

Бу — ғоят катта вазифа, ғаллакорнинг асрлар бўйи қилган орзусидир. В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ шу вазифани ҳал этиш йўллари тўғрисида ўйлаган эди. 1921 йилда В. И. Ленинниинг ташаббуси билан Меҳнат ва мудофаа кенгашининг «Қурғоқчиликка қарши кураш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда қуйидагилар айтилган эди: «Қурғоқчиликка қарши кураш мамлакатнинг қишлоқ хўжалик турмуши учун ғоят муҳим аҳамиятга молик иш деб ва шу соҳада кўрилаётган тадбирлар жанговар аҳаминятга эга бўлган тадбирлар деб топилсин».

Владимир Ильич худди шу йили Кавказ коммунистларига мактуб орқали мурожаат этади. У ниҳоятда равшан ва теранлик билан қуйидагиларни уқтиради: «Ҳамма-дан ҳам суғориш иши зарурдир ва бу ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди».

Ўша пайтда вазифа мана шундай ленинчасига доно ва зукколик билан ўртага қўйилган эди. Бу вазифа бизнинг кунларимизда ҳам жуда муҳимлиги ва ўткирлигини йўқотмаганлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак деб ўйлайман. Пировард натижада кишиларни ҳосил тақдири учун жуда қаттиқ ташвишланишдан халос этиш, уларга табиий офат устидан ғолиб чиқиш қувончини бахш этиш зарур. Бу бизнинг бурчимиз, бу бизнинг вазифамиздир.

Николай Александрович Тихонов ерларни мелиорациялашнинг 2000 йилгача даврга мўлжалланган ҳамда СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан ва Марказий Комитет Сиёсий бюроси тасдиқлаган планни муфассал баён этиб беради.

Бугун қабул қилинадиган қарорлар шубҳасиз ерларнинг унумдорлигини ошириш учун курашда янги катта босқични очади. Нисбатан қисқа муддатлар ичида суғориладиган ва захи қочирилган экин майдонларини бир ярим баравар кенгайтириш кўзда тутилган, бу эса улардан деҳқончилик маҳсулотлари олинишини икки баравар кўпайтириш имконини беради. Натижада мамлакат об-ҳаво ўзгаришларидан қатъи назар жами деҳқончилик маҳсулотининг қарийб ярмини оладиган бўлиб қолади. Бу, ўртоқлар, энг асосий масаладир.

Бунда гап фақат ишнинг кўламидагина эмас, ваҳоланки бу кўламлар жуда катта эканлигини ўзларингиз кўриб турибсиз. Масаланинг моҳияти ерларни яхшилашга доир ишларнинг сифат жиҳатидадир. Саноат негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш гарантияланган катта-катта зоналарни, дон, ем-хашак, сабзавот етиштириладиган ўзига хос фабрикаларни вужудга келтириш назарда тутилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, бу ишларни замонавий инженерлик системаларидан, аслида автоматлаштирилган системалардан фойдаланган ҳолда бажариш керак. Янгиланган ерларда биринчи навбатда илмий асосланган деҳқончилик усуллари қўлланилиши, энг яхши навлар ва гибридлар экилиши, илғор технология, ҳосилни программалаш жорий этилиши лозим.

Тўғрисини айтганда биз илгари қишлоқда принципиал янги характердаги шундай вазифаларни ўртага қўйиш ва ҳал этиш тўғрисида орзу ҳам қила олмас эдик. Эндиликда бизнинг бундай имкониятларимиз бор. Илгари хўжаликлар тарқоқ ва бунинг устига кам унумли техникани олишган бўлса, ҳозир машинасозлик энг замонавий машина комплектлари ва системаларини ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг самарали химиявий воситалари, интенсив типдаги экин навлари ва гибридлари яратилди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Қишлоқ хўжалигимиз ҳозирги вақтда малакали мутахассис кадрларга ва йирик ишлаб чиқариш ташкилотчиларига эга.

Қишлоқ хўжалиги ва саноатни интеграциялашнинг асосий формаси бўлмиш агросаноат бирлашмалари айниқса район бўғинида тобора кучаймоқда. Қишлоқда иқтисодий механизм изчиллик билан такомиллаштирилмоқда, бригада пудрати ривожлантирилмоқда. Энди гап мана шу барча янги имкониятларни максимал даражада ишга туширишда қолди.

Ўртоқлар, аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлик ерга — бизнинг энг қимматли бойликларимиздан бирига бошқача муносабатда бўлишни тақозо этади. Суғориладиган, захи қочирилган ерларни эса яна ҳам авайлаб асраш керак. Ғаллакорнинг тилида бу гап яхши-ланган ҳар бир гектар ерга зарур бўлган ҳамма нарсани сарфлаш, унга бутун қалбни бағишлаш кераклигини билдиради. Ўшанда ер сахийлик билан самара бераверади.

Шунга асосланиш керакки, кўпинча мелиорация том маънода хўжаликларнинг ва бутун-бутун районларнинг яшаш қобилиятини белгилаб беради. Саратов областини олиб кўринг. Бу ерда шу қадар тез ва қаттиқ қурғоқчиликлар бўлиб турадики, яқин ўтмишда кўпгина хўжаликлар неча йиллар мобайнида ем-хашак қақатчилигидан қутила олмай келишар эди. Сув келиши билан кишилар ишончи ҳосил қилиб, истиқболини кўрганликларини, яхшироқ яшаб, яхшироқ меҳнат қила бошлаганликларини ўртоқ В. К. Гусев менга сўзлаб берди. Суғориладиган экин майдони ярим миллион гектарга етган ҳозирги пайтда область давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини барқарор бажариб келмоқда. Аҳолини сабзавот билан таъминлаш проблемаси ҳал этилган.

Суғориш Ставрополь ўлкасидаги Ногай дашти каби азалий унумсиз ерларнинг қиёфасини ҳам ўзгартириб юборди, деса бўлади. Ўртоқ Н. Д. Терешченко раҳбарлик қилаётган «Путь к коммунизму» колхозида суғориш системаси яратилгандан кейин кўп йиллик ўтлар ва силосбоп экинлар ҳосилдорлиги 128 центнер озуқа бирлигига етди, ваҳолонки илгари атиги 5 центнер озуқа бирлигини ташкил этар эди. Донли экинлар ҳосилдорлиги уч баравар кўпайди. Мелиорация мана шундай ғоят катта имкониятларга эга!

Ўртоқлар! Ерларни яхшилашнинг умумдавлат программасини амалга ошира бориб, капитал маблағ сарфлаш ва маҳсулот етиштириш соҳасида қайси бирини устун қўйишни тўғри танлаб олиш жуда муҳимдир. Янги планда қишлоқ хўжалигининг дон ва ем-хашакни кўпайтириш каби энг муҳим проблемаларини ҳал этишга конкрет равишда қатъият билан киришишлари лозим.

Шундай бир масалани алоҳида айтиб ўтишни истардим. Мелиорациянинг бутун цикли бўйича ишларни ўтказишда — объектни танлашдан бошлаб лойиҳада белгиланган ҳосилдорликка эришгунга қадар аввалдан унга комплекс равишда ёндошиш зарур. Сув хўжалиги қурилиши, ерларни ўзлаштириш, ана шу майдонлардаги хўжаликларни ташкил этиш проблемаларини ҳал қилиш аввал бошданоқ бир-бири билан боғлаб олиб борилиши керак. Суғориладиган ва захи қочирилган ерларга талаб этиладиган нарсаларнинг ҳаммаси: ўғит, техника, экинларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, шу жумладан, системалардан фойдаланиш учун бошқа барча моддий-техника ресурслари беками кўст етказиб берилиши лозим. Дарҳақиқат, ўртоқлар, биз мелиорациягa халқнинг жуда кўп пулини сарфламоқдамиз ва мелиорацияга жуда катта умид боғламоқдамиз. Шу боисдан бошқарувнинг бирон бир ноғонасидаги хатолар сабабли энг яхши натижаларга эришиш имкониятини барбод этишга йўл қўймаслик керак.

СССР Госплани, министрликлар ва идоралар ўн иккинчи беш йиллик асосий йўналишларини ишлаб чиқиш чоғида ҳозирги пайтда мелиорация ва қишлоқ хўжалик машинасозлигига, минерал ўғит ва зарур химиявий маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан янги талабларни ҳисобга олишлари лозим.

Маҳаллий органларга кўп нарса боғлиқ бўлади. Мелиорациянинг биринчи навбатдаги объектларини танлашга реалистик, вазминлик билан ёндашиш керак. Иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликларга алоҳида ёндашиш лозим. Бундай хўжаликларни инженерлик мелиорация системаси бўлган ерлардан фойдаланишга барвақт тайёрлаш даркор. Уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш базасини вужудга келтириш, деҳқончилик маданиятини ошириш зарур.

Биз колхоз ва совхозлар уларга кимдир келиб ишларни бошлашини сусткашлик билан кутиб турмайдилар, деб умид боғлашга ҳам ҳақлимиз. Колхоз ва совхозлар ташаббус кўрсатишлари, ички имкониятлардан фойдаланишлари, ўз ерларини мелиорациялашга доир ишларни сув хўжалиги ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириш учун ўзларининг куч ва маблағларини жалб этишлари керак.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи

(Бошн биринчи бетда).

Табиий озуқа майдонларини тартибга келтириш, кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Маълумки, бундай озуқа майдонлари ғоят катта. Ўртоқлар, айтишим мумкинки, ана шу табиий озуқанинг аслида битмас-туганмас манбаи резервлари ниҳоятда бебаҳодир. Барча ўтлоқлар ва яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун ҳеч кечиктирмай, бутун куч ва зўр қатъият билан киришиш лозим.

Бугун муҳокама қилина. ётган масала муносабати билан экология проблемалари ҳақида гапирмай ўтиб бўлмайди. Биз кенг миқёсда мелиорация ўтказар эканмиз, бирон-бир тарзда табиатга дахл қиламиз. Жуда эҳтиёткорлик билан иш тутиш, ернинг қиёфасини ўзгартирганда унга зарар етказиш бир ёқда турсин, уни яхшилаш, унинг саховатини ошириш, табиатнинг имкониятларини кўпайтириш керак. Биз ҳаммамиз бугунги кун вазифаларингина эмас, шу билан бирга эртанги кун манфаатларини ўйлаб яшашимиз, пухта ўйламай, палапартиш қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслигимиз лозим. Шу ерда К. Марксннг ердан фойдаланувчи одамлар яхши оила бошлиқлари каби иш тутиб, уни келажак авлодларга яхшироқ ҳолда қолдиришлари керак, деган гапини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Шу мавриддан фойдаланиб, қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман. Ўрмон табиатнинг буюк бойлигидир. У сув ва ер ресурсларини сақлашда, атроф-муҳитни яхшилашда, дадил айтиш мумкинки, ер юзидаги бутун турмушни соғломлаштиришда жуда катта роль ўйнайди. Ўрмонлар маҳсулотининг мамлакат эко. номикаси учун аҳамияти зўр. Ўрмонга ҳам худди ерга бўлганидек эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак.

Баъзи ўлка ва область комитетлари секретарларининг менга айтишларича, ўрмон ихотазорлари бор жойларда, жарликлар ва қумлоқ ерлар кўкатлар билан ихоталанган жойларда далалар гармселдан, шамол ва сув таъсиридан нурашдан камроқ зарар кўрар экан. Чамаси, бу ўринда бирон масала бор ва шу масала билан жиддий шуғулланиш зарур. Бу гап ўрмон хом ашёси ресурсларидан самарали фойдаланишга ҳам, ўрмонларни қайта тиклашга ҳам, уларни илдам суръатлар билан такрор кўпайтиришга ҳам тааллуқлидир. Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш ва, эҳтимолки, баъзи бир нуқтаи-назарларни ўзгартириш лозим.

Кун тартибида турган масалалар муносабати билан сизларга айтмоқчи бўлган мулоҳазаларим мана шулардан иборат.

Ўртоқлар! Партиямиз ўзининг навбатдаги XXVII съездига амалий равишда қозирлик кўриш даврига кирди. Ҳозир Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини тайёрлашга алоҳида эътибор бераётганини Ёзувчилар союзи правлениесининг юбилей пленумида айтиб ўтган эдим. Айни вақтда партия Уставига киритилиши эҳтимол бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Биз мана шу энг муҳим ҳужжатларнинг узвий бирлигини таъминлашимиз жуда муҳим.

Янги таҳрирдаги Программа каби Уставда ҳам КПССнинг сиёсий йўлидан келиб чиқадиган партия ички турмушининг ташкил этилишига, унинг ҳар бир бўғини фаолиятининг услуби ва методларига, коммунистларнинг иши ва ҳулқ-атворига, уларнинг активлиги, масъулияти ва интизомига нисбатан қўйдиган юксак талаблар акс эттирилиши керак.

Ўн иккинчи беш йиллик ва истиқбол планларини ишлаб чиқиш, уларда партиянинг шу аср охиригача мўлжалланган иқтисодий стратегиясини мужассамлаштириш ва ойдинлаштириб бериш — съездга тайёргарлик ишларининг ажралмас таркибий қисмидир.

Бу планларнинг асосий мақсади равшан. Бу мақсад совет кишиларининг тобора салмоқли меҳнат натижаларига таяниб, халқ фаровонлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдан, халқимизнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини анча оширишдан иборат.

Партия социал-иқтисодий тараққиётнинг янги марраларига эришишнинг энг асосий йўлларини аниқ белгилаб қўйди. Бу — ижтимоий ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, интенсив ўсиш омилларидан максимал фойдаланиш йўлларидир. Биз ўн иккинчи беш йилликнинг ўзидаёқ халқ хўжалигининг самарадорлигини оширишда туб бурилишга эришишимиз лозим.

Фан-техника тараққиёти асосидагина экономикани интенсивлаш йўлига ўтказишга эришиш мумкин. Меҳнат унумдорлигини ҳамма жойда кескин оширишга ва маҳсулот сифатини яхши. лашга интилиш керак. Барча тармоқларда иқтисодий тежашни кучайтириш, бошқарувни ва хўжалик-механизмини такомиллаштиришни сабот билан давом эттириш ҳам муҳимдир.

Юксак суръатлар, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, маҳсулотнинг яхши сифатли бўлиши — мана шуларнинг ҳаммаси ҳар бир тармоқ, ҳар бир корхона ишининг мажбурий қоидаси, таъбир жоиз бўлса ҳар бир ходим меҳнатининг нормаси бўлиб қолиши керак. Бу соҳада ҳеч қандай истисно бўлиши мумкин эмас.

Ҳозир мана шу принципиал йўл-йўриқларни партия иқтисодий сиёсатини рўёбга чиқаришнинг асосий қуроли бўлмиш давлат планларининг топшириқлари ва кўрсаткичларида аниқ-равшан ифодалаб бериш айниқса муҳимдир.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси истиқбол планлари устидаги ишнинг дастлабки якунларини кўриб чиқди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, халқнинг турмуш даражасини ўстириш юзасидан янада юксак, тиғиз план топшириқларини кўзда тутиш вазифаси қўйилди. Ҳозир Госпланда, министрлик ва идораларда, республикалар ва областларда, корхоналарда планларимизни максимал пировард натижаларга эришишга янада кўпроқ мослаб тузиш учун резервларни сафарбар этиш иши қизғин тус олган.

Масалан, Электр техника саноати министрлиги планда беш йил мобайнида маҳсулотни 35 процент даражасида кўпайтиришни кўзда тутиш имкониятини топди. Бу — СССР Госпланининг шу министрлик бўйича белгилаган дастлабки режаларидан юқоридир.

Владимир область партия ташкилоти ишга ижодий ёндашди. Қўшимча резервларни қидириб топиш саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг илгари белгиланган кўрсаткични 1,3 баравар кўпайтириш имконини берди.

Яқинда Марказий Комитет экономика самарадорлигини ошириш юзасидан Ленинград область партия комитети ўтказаётган ишни маъқуллаганлиги ўзларингизга маълум. Бу соҳада Москва, Украина, Қозоғистон, Грузияда ва бошқа регионларда кўп иш қилинмоқда. Бундай ишни ҳар бир республика, областда, барча министрликларда, ҳар бир корхонада активроқ ўтказиш лозим, деб ўйлайман.

Партия съездга тайёргарлик кўрар экан, меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини шу йилги ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли тугаллашга қаратмоқда. Бу йилнинг якунлари чакки бўлмайди, деб ҳозирнинг ўзида айтиш мумкин. Халқ хўжалиги иш суръатларини муттасил кучайтирмоқда, сифат кўрсаткичлари яхшиланмоқда, совет кишиларининг турмуш даражаси ҳам ошмоқда.

Аммо биз камчиликларни ҳам равшан кўриб турибмиз. Бир талай корхона ва хўжаликлар, бир қанча тармоқлар ўз имкониятларидан пастроқ даражада ишламоқдалар, план ва мажбуриятларни бажармаяптилар. Ҳали вақт бор. Беш йиллик тугашигача қолган бир йилдан кўпроқ муддат ичида кўп ишларни тўғрилаб олса бўлади. Ишлаб чиқаришда зўр ғайрат ва қатъият билан тартиб ўрнатиш, уюшқоқликни ошириш, айниқса қолоқ участкаларда план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш керак.

Қишлоқ хўжалик йилини тугаллаш ва келгуси йил ҳосилига ҳозирлик кўриш ҳақида бир неча оғиз сўз айтмоқчиман. Об-ҳаво шароитлари оқибатида бир қанча районлардаги экинлар нобуд бўлди, шунинг натижасида анчагина дон олинмай қолади. Чорвачиликни ем-хашак билан таъминлашда бирмунча тиғиз лик вужудга келди. Ҳамма жойда қишлоқ меҳнатчилари рўй берган қийинчиликларни бартараф этиш устида шаҳарликларнинг актив иштироки билан фидокорона ишламоқдалар. КПСС Марказий Комитети бу куч-ғайратларни юксак баҳолайди.

Ҳозир чорва қишлови муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашда асло пасайишга йўл қўймаслик учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиш жуда муҳимдир. Кўклами дала ишларига жамики тайёргарликни юқори даражада ўтказиш лозим.

Хуллас, шу йилнинг қолган ойларида ва беш йиллиқнинг тугалловчи йилида ҳаммамиз зарбдорчасига, бутун кучни сарфлаб меҳнат қилишимиз, яъни беш йилликни дадил бошлаш учун пухта замин яратиб қўйишимиз лозим.

Ўртоқлар! Бугун Марказий Комитет Пленуми ерларнинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги катта бунёдкорлик ишлари планини муҳокама қилади. Бу планнинг амалга оширилишини партия яқин йиллардаги зарбдор йўналиш деб ҳисоблайди.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорлари билан танишиб чиққанлар, бу қарорларда мелиорациялаш программаси конкретлаштирилган. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси номидан иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарларига мурожаат этиб, шу қарорларнинг бажарилишини қатъий партиявий контроллик остига олишни сўрайман.

Муваффақият ўртага қўйилаётган вазифаларнинг сиёсий моҳиятини ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир коллектив тушуниб олишига, ҳамма участкалардаги ишнинг ташкил этилишига боғлиқ. Партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини, совет ва хўжалик органларининг фаолиятини мана шунга қаратиш лозим.

Ҳар бир республика ва областда, ҳар бир районда белгиланган тадбирларни рўёбга чиқаришнинг маҳаллий ишлаб чиқариш ва табиий-иқлим шароитларини эътиборга олиб аниқ планини белгилаш ва амалга ошириш керак. Бу ўринда ижодий ёндашиш, моҳирона омилкорлик, ишчанлик кўрсатиш одат бўлиб қолган, аммо эскирган стандартлардан воз кечиш айниқса, муҳим. Юқори малакали мелиораторлар, агрономлар ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассисларни тайёрлашни яхшилаш иши биринчи ўринга қўйилиши лозим. Мелиорация соҳасидаги ишларни самарали ўтказиш ва ҳолати яхшиланган ерларда хўжалик юритиш натижалари учун масъулиятни кучайтириш керак.

Янги вазифалар муносабати билан колхоз ва совхозларнинг бошланғич ташкилотларига, район партия комитетларига нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам ошади. Уларнинг меҳнат турмушини ва тартибни оширишга лишлари, ҳар бир меҳнатнинг топширилган участкаги иш учун юксак улияти туйғусини тиришлари лозим.

Идеология ходимлари, оммавий воситалари кўп иш қилиши керак. Уларнинг вазифаси қишлоқда ўтказаётган ишларни марказида тушунтириш, меҳнаткашларнинг батафсил ёритиб бориш уларнинг меҳнати, обиторини кўтаришдан иборат.

Партия мелиорация программасини комсомиз астойдил маъқуллаб-қувватлайди, деб қиламан. Миллион-миллион гектар обод қилинган ни совет кишиси ҳеч қўйиш — шоҳли ёлғонларнинг завқ-шавқли иш либ, бу иш уларни маънавий чиниқтиради.

КПСС Марказий Комити ерларни мелиорациялаш ривожлантиришнинг муддатли программасини бажарши умумхалқ ишлиб қолади, деб ишонаман диради. Бу эса юксак ҳосилжада ривожланган ва барор қишлоқ хўжалиги чиқаришни барпо этиш янги катта қадам қўйишдир. тун совет экономикасининг ҳозирги ва ҳатто келажак ривожланиши учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

(Нутқ зўр эътибор билан тингланди ва даволь саклар билан бир неча бўлиниб турди).

БИЗ ҲАМИАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

Пахтазордан дараклар № 20



Вечерний Ташкент — Тошкент оқшоми

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.



«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,08	87,70
Тошкент	0,55	85,40
Наманган	1,03	82,59
Андижон	0,72	79,74
Сурхондарё	0,93	74,58
Хоразм	1,39	73,44
Сирдарё	0,50	70,07
Самарқанд	0,66	59,57
ҚҚАССР	1,57	58,98
Бухоро	0,66	55,23
Жиззах	0,52	54,14
Навоий	0,52	51,06
Қашқадарё	0,29	39,43
Республика бўйича	0,79	67,78





ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ КОЛЛЕКТИВДА

Қалб амри билан пахтакорларга ҳашарга отланган Энгельс номидаги Тошкент чет тиллар педагогика институтининг икки мингдан зиёд студентларн шу кунларда Жиззах областининг Арнасой районидаги Тмошенко номли совхозда пахта теришмоқда.

— Коллективимиз ҳар йили шу совхоз меҳнаткашларига пахта йиғим-теримида ёрдам беради, — дейди олий ўқув юрти штабининг бошлиғи институт ректори профессор Жамол Бўроновнч Бўронов. — Жами 5000 тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилганмиз. Дастлабки ўн кун ичида хирмонга уйган пахтамиз 140 тоннадан ошиб кетди. Шу ўн кунлик якуни бўйнча институтимиз коллективи ҳашарга чиққан олий ўқув юртлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаб, Жиззах область партия комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Советн, область комсомол комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Олий ўқув юртининг уч факультети — инглиз, француз ва немис тили факультетларининг студент ва ўқитувчилари 26 бригадага бўлиниб бўлиб, совхознинг саккиз бўлимида пахта теришяпти. Теримчилар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада инглиз тили факультетининг студентлари З. Сафарбоев, А. Муҳитдинов, немис тили факультетининг студентлари У. Имомқулов, Р. Тўрақулов, француз тили факультетининг студентлари Х. Бобоев, З. Турсуновлар пешқадамлик қилишяпти. Уларнинг ҳар бири дастлабки ўн кунликда 1,5 тоннага етказиб «оқ олтин» тердилар.

СУРАТЛАРДА: француз тили факультетининг студентлари пахта теримида.

ҲИММАТ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда пахтадан улкан хирмон кўтариш учун умумхалқ кураши қизғин давом этмоқда. Бу катта ишга Тошкент шаҳар электр транспортчилари ҳам муносиб ҳисса қўшишяпти. Электр транспортчилардан ташкил топган 200 нафар ҳашарчи мана бир неча кундирки, Тошкент областининг Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозда дала меҳнаткашларига ёрдам беряпти.

Пахта далаларининг саховати ундан йиғиб олинган ҳосил билан ўлчанади. Бу йилги мўл ҳосилни йиғиштириб олишда С. Эргашев, И. Рўзнев ва В. Долганов бошлиқ бригадаларнинг теримчилари намуна бўлмоқдалар. Ушбу бригадаларда меҳнат қилаётган Ҳасан Мадаминов, Алфия Ишкелдина, Анатолий Николаев, Абдураҳмон Ҳолмуҳамедовлар ҳар куни давлат хирмонига 80—90 килограммга етказиб дурдона тўкишмоқда. Уларнинг ҳашар бошидан бери терган пахталари 1—1,5 тоннани ташкил этди. Электр транспортчиларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 100 тоннадан ортиб кетди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ва АПН мухбирлари хабар қиладилар

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 67 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

МАНИЛА. Филиппин миллий кутубхонасида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигига бағишланган совет китоблари кўргазмаси очилди. Кўргазманинг дастлабки томошабинлари марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг нутқ ва мақолалари тўпламлари билан қизиқиб танишдилар. Стендларга рус ва совет ёзувчиларининг асарлари, санъат ва маданиятга оид китоблар, илмий-техникавий ва болалар адабиёти ҳам қўйилган. Экспозицияга киритилган 500 китобнинг кўпчилигини В. И. Ленин давлат кутубхонасидан юборган бўлиб, булар Филиппинда биринчи марта намойиш сатилмоқда.

Совет халқининг турмуши тўғрисида ҳикоя қилувчи фотосуратлар туркуми, совет почта маркаларининг тематик коллекциялари китоб кўргазмасини тўлдиради.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ

ДАМАШҚ. Сурия ҳукумати Москвада бўлиб ўтган Совет—Сурия музокаралари якунларини якдиллик билан маъқуллади.

САР Бош министри А. Р. Қосим ҳукумат мажлисида нутқ сўзлаб, Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретари, Сурия Араб Республикаси Президенти Ҳ. Асад ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг учрашуви СССР билан САР ўртасида муносабатларни чуқурлаштиришга ва кенгайтиришга кўмаклашди, деди. У Региондаги ва халқаро миқёсдаги аҳволга, шунингдек иккала давлат ўртасидаги ҳамкорликка таълуқли муҳокама этилган барча масалалар юзасидан икки томоннинг қарашлари бир-бирига тўла мос келгини уқтириб ўтди. Иттифоқининг позициясини ди Сурия ҳукуматининг лиғи, регионда империализм билан сионизмнинг режаларига ва фитналарига қарши туриш йўлини ҳаҳкамлашга кўмаклашда.

БЕНИНЛИКЛАР РУС ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДА

КОТОНУ. Бу ерда рус тилини ўрганиш курсларида янги ўқув йили бошланди. Биринчи дарсга 150 дан кўпроқ киши келди. Бу— ўтган йилдагидан учдан бир баравар кўпдир. Улар орасида ишчилар, хизматчилар, студентлар ва мактаб ўқувчилари бор. Тингловчилар оғзаки ва ёзма нутқ асосларини эгаллаш учун бир неча ой давомида қаттиқ сабот ва матонат билан шуғулланадилар.

Курсда олган билимларини чуқурлаштиришни истовчи кишилар учун ўтган йилдан бошлаб ўқишнинг учинчи йили жорий этилди. Ўқиш учун Совет Иттифоқига борадиган ёш бенинликларга каникул даврида тайёргарлик машғулотлари ташкил этилди.

Курслардаги иш рус тилини ўқитишдангина иборат бўлиб қолаётган йўқ. Социалистик йўлни танлаб олган Ғарбий Африкадаги шу мамлакат гражданлари кўпгина ғатнаб, жаҳонда бўлаётган социалистик давлат, ҳалқ тинчликсевар ташқи сиёсати тўғрисида ҳаққоний маълумот оладилар. СССР халқларининг тарихи, маданияти ва анъаналари билан ҳам шадилар. Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллиги ўқув йили машғулотларининг етакчи мавзуи қилинган.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ КИМЛАР РАҒБАТЛАНТИРМОҚДА

ЛИССАБОН. Португалиянинг таниқли сиёсат ва жамоат арбобларининг бу ерда бўлиб ўтган учрашувида қуролланиш пойгаси давом этаётганлигида кимлар айбдор эканлиги, жаҳон ядро ҳалокати қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги масалалари муҳокама қилинди. Учрашувни «Диариу» газетаси уюштирди.

Учрашувда сўзга чиққан вице-адмирал А. Алва Роза Коутиньо Америка маъмуриятининг мақсади ҳамма жойда ўз ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат. Вашингтоннинг бундай агрессив ҳаттиҳаракатлари бошқа территорияда қуролли можароларнинг авж олишига олиб келади. Ғарбий Европада Америкаиинг ядро ракеталари жойлаштирилиши ва Пентагоннинг қуролланиш пойгасини космик фазога ўтказиш режалари хатарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини уқтириб ўтди.

Вице-адмирал фикрини мунозаранинг бошқа қатнашчилари — олим Ф. Ду валью, адвокат Ф. Луш реш, Сеабра-Дофилад лаб-қувватладилар. Ўзб вет Иттифоқининг бўлиб ядро ишлатмаслик зиммасига олган ми рияти муҳим аҳамият эканлигини айтдилар ва унинг НАТОдаги чилари деб эслатиб нотиқлар, бу қолаверса мунадан ўрнак олишга тортмоқдалар.

● ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН.

ҲАЙКАЛТАРОШЛАР ТУҲФАСИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ ҳайкалтарошлар симпозиуми ниҳоясига етди. Инсон, тинчлик ва меҳнат шиори остида ўтган ижодий мулоқат кунларида бугунги кунда ҳайкалтарош рассомлар олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди. Айни пайтда Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган ҳайкалтарошлар икки ой мобайнида республика Рассомлар союзининг Оқтошдаги ижодий уйида баракали меҳнат қилиб, бир қатор ҳайкалтарошлик асарларини яратдилар. Ҳозир ранг-баранг мавзудаги бу ҳайкалтарошлик композициялари республика Рассомлар союзининг бошқа намойиш этилмоқда.



Бутуниттифоқ ҳайкалтарошлар симпозиумининг ниҳоясида мўътабар жюри рассомларнинг ижодий изланишларига юксак баҳо берди. Грузиялик Д. Гогаберишвилининг «Бешик» деб номланган композицияси биринчи мукофот билан тақдирланди. Туркманистонлик С. Ҳудойбердиев ва тошкентлик Н. Карлихановлар яратган асарлар иккинчи мукофотга, латвиялик Л. Блумберг, арманистонлик С. Казарян ва республикамиз вакили У. Мардиевларнинг ҳайкалтарошлик композицияларини эса учинчи мукофотга сазовор бўлди. Республикамизга туҳфа этилган ана шу асарлар Рассомлар союзининг кўргазмалар зали боғини безаб турибди.

Мана ўн-ўн беш йилдирки, Тошкент кўкка бўй чўзиб, индустриал қурилиш кўламлари шитоб билан ривожланяпти. Бу эса шаҳарнинг ажойиб боғлари, майдонларини бадиий юксак монументаль ҳайкалтарошлик асарлари билан безашни тақозо этмоқда. Шаҳарда ландшафт архитектурасини декоратив йўналишдаги боғ-хиёбон зонаси ва ҳайкалтарошлик элементлари билан уйғунлаштириш учун зарур майдонлар бор. Шу муносабат билан Тошкентнинг ана шу ўзига хос шаҳарсозлик кўламлари ҳайкалтарошлар ва меъморлар олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Республикамиз юбилейига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ симпозиуми ҳайкалтарошлар олдида турган бошқа бир қатор масалалар билан бирга ана шу соҳага ҳам жиддий эътибор берди. Айни пайтда мамлакатимиз етакчи ҳайкалтарошлик мактаблари вакиллари иштирок этган бу ижодий мулоқат кўп миллатли совет ҳайкалтарошлиги ривожига ҳам катта ҳисса қўшди.


Москва ва Ленинград, Киев ва Душанба, шунингдек, бошқа ўнлаб шаҳарларнинг вакиллари симпозиум кунлари тинчлик учун кураш шиори остида бетакрор асарлар яратдилар. Тошкентлик ёш ҳайкалтарош Николай Карлиханов республика ва Бутуниттифоқ кўргазмаларининг кўп бор иштирокчиси бўлган. Унинг «Чўл» деб номланган аллегорик композицияси инсоннинг бунёдкорлик қудрати ва интилишларини ажойиб бир тарзда мужассамлантирганлиги билан ажралиб туради.


Симпозиум қатнашчилари бўлган тбилисилик Д. Гогаберишвили, москвалик А. Григорьев, туркманистонлик С. Ҳудойбердиев ва бошқа рассомларнинг композицияларини ҳам эътиборни ўзига жалб этади. А. Григорьевнинг «Болалик» деб номланган лирик композицияси, С. Ҳудойбердиевнинг «Оналик» деб номланган асари, латвиялик ҳайкалтарош Л. Блумбергнинг «Тинчлик ва ҳаёт», москвалик А. Волковнинг «Музика» деб номланган композициялари ранг-баранг форма ва услубда яратилганига қарамай, инсоннинг тинчлик учун интилиши, меҳнати ва муҳаббати, яшаш завқи тасвирланганлиги уларни бир-бири билан уйғунлаштириб туради. Тошкентлик У. Мардиев, Т. Тожихўжаев, Ю. Шиловларнинг ранг-баранг асарлари ҳам ана шундай юксак фазилатларни ўзида мужассамлантирган.

А. ҲАКИМОВ,
Ҳамза номидаги санъатшунослик институти сектор мудири.

СУРАТЛАРДА: республика Рассомлар союзининг марказий кўргазмалар зали боғига қўйилган ҳайкалтарошлик композициялари; Д. Гогаберишвилининг «Бешик», Н. Карлихановнинг «Уйғунлик», С. Ҳудойбердиевнинг «Оналик» деб номланган асарлари.

В. Дубровский фотолари.





Саломатлик

ҳақида суҳбатлар

● Медицина янгиликлари

АВТОМАТ ТЕКШИРАДИ

Ватанимизда болаларни диспансеризациядан ўтказишда автоматик усул жорий этилмоқда. Бу врачи қатор содда юмушлардан ҳоли этиб, текширувдан ўтказаётганлар учун ҳам қулай. Бола хонага кириб электрон табло қаршисига ўтиради. Беморнинг ёшига мувофиқ таблода биринкетин у ёки онаси жавоб берадиган саволлар пайдо бўлади, шу билан саломатлигининг умумий ҳолати аниқланади.

Автоматлар боланинг вазнини аниқлайди, кўкрак қафасини нурлайди, кардиограммадан ўтказади, кўриш ва эшитиш қобилиятларини текширади. Олинган маълумотлар шу ернинг ўзида электрон ҳисоблаш машинасида ишлаб чиқилади. Таблода беморнинг қайси кабинетга бориши ёки унинг соғломлиги, қайта қачон келиши зарурлиги ҳақидаги ёзув нурланади. ЭҲМ хотирасида ҳар сафарги текширув ахборотлари сақланади, навбатдаги олинган маълумотлар аввалгиси билан солиштирилади. Бу боланинг соғлиғидаги ўзгаришни аниқлаш имкониятини яратади.

Ф. ОРИПОВ.

● *Табиат неъматлари*

САЙЁРАМИЗДА НЕЧА ХИЛ СУВ БОР?

Она сайёрамизда зилол сув шу қадар кўпки, уни сув планетаси, зумрад деса арзийди. Ни. ҳоятда азиз бўлган сувнинг тузлиши, унинг хоссалари, турлари ва сирларини икки асрдирки, олимларимиз ҳар томонлама тадқиқ қилиб келишмоқда.

Биринчи бор сувнинг химик формуласини 1805 йилда А. Гумбольдт ва Ж. Гей-Люссаклар таклиф этишди. Шундан кейин ўтган йиллар ичида сувни ташкил этадиган водород ва кислороднинг изотоп тузилиши хилма-хил эканлиги эътиборга олиниб, эндиликда сувнинг 120 та тури маълум бўлди. Бу турли-туман сувларнинг баъзилари табиатда учраса, айримларини эса фақат лабораторня шароитидагина ҳосил қилинади.

Сувнинг ичида энг кўп тарқалгани ёмғир ва қор сувларидир. Бу сувларнинг хосияти жуда катта. Сувнинг яна бир тури—оғир сувдир. Кейинги йилларда сайёрамизда ёқилғи ресурсларининг аста-секин камая бориши сабабли термоядро реакциясидан кенг фойдаланиш оғир сувнинг амалий аҳамиятини янада оширибюборди. Оғир сув оддий сувга нисбатан кам бугланган сабабли у жанубий ярим шарнинг ёпиқ сув ҳавзаларида кўп миқдорда йиғилади. Дунё океанида оғир сувнинг запаслари ниҳоятда катта бўлиб, минг квадрильон тонна ҳисобланади.

Кумуш сув ҳам борлигини биласизми? Биринчи бор кумуш сув устида кузатишларни XIX аср охирида швейцариялик ботаник олим. К. В. Негели олиб борди. Шундан бери дунёнинг кўпгина мамлакатларида олимлар кумуш сув ҳосил қилиш ва ундан унумли фойдаланиш устида кўп ишлар олиб боришди. Мамлакатимизда кумуш сувни уй шароитида ҳосил қилувчи асбоб ишлаб чиқарилган, Японияда ва АҚШда кумуш сув сузиш мўлжалланган махсус ҳавзаларда ишлатиб келинмоқда. Хитойда эса кумуш сув минерал ва мева шарбатлари тайёрлашда фойдаланилади. Кумуш сув озиқ-овқатларни консервалаш, сариёғ, маргарин, сут ва вино тайёрлашда ишлатилиши уларни яхши сақлаш имконини беради.

Буғ қозонларда ҳосил бўладиган қуйқага қарши олимлар икки асрдан бери чора тополмасдилар. Мана, ниҳоят унинг давоси магнит сув кашф этилди. Агар оддий сув магнит қутблари орасидан ўтказилса, магнит суви ҳосил бўлар экан. Бундай сув қурилишда, бетон қоришда қўшилса қоришманинг чидамлилигини оширади.

Тадқиқотлар давом этади. Инсон она табиатнинг бебаҳо неъмати — сувнинг кўпдан кўп сир-асрорларини очади ва турмушда қўллайди.

● Шифобахш ўсимликлар

МИТТИ «УЗУМ»НИНГ ХОСИЯТИ

Далаларимизда худди узумга ўхшаш бир ўсимлик ўсади. Уни халқимиз итузум дейди. Унинг шифобахш ҳосиятидан халқ табобатида қадим замонлардан фойдаланиб келинган. Меваси организм фаолиятини яхшилашда, қон, томир, тери, асаб, буйрак, жигар, талоқ касалликларини давопашда ишлатилади. Шарбати эса астма, йўтал, томоқ оғриғи, ўпка яллиғланиши, оғиз, меъда каби касалликлар учун даводир.

Таркиби антибиотик хусусиятларга бой бўлиб, ўзида бир қатор бирикмалар ҳосил қилади. Мевасида органик кислоталар, углеводлар, гликоалколоидлар, гликозидлар, баргида эса коратин ва С витамини бор.

Абу Али ибн Сино итузум билан турли касалликларни даволаган. Жумладан, ўсимликнинг тана ва баргидан бош оғриғи, шишни қайтаришда, меваси билан қон тўхтатиш, томоқ, оғиз, уйқусизлик, қон кетиш касалликларини даволашда фойдаланган.

Итузум ўлкамизда кенг тарқалган бегона ўт сифатида экинлар орасида учрайди.

СУВНИ СЕВГАН

Сувмурч бир йиллик тик бўйли гиёҳ бўлиб, таъми мурчга ўхшайди. Сувли, намли ерларда ўсади. Шу туфайли у сувмурч деб аталади. Сувмурч киши саломатлиги учун аҳамиятли ўсимликлардан ҳисобланади. Халқ табобатида қонни тўхтатиш, яч оғриғи касалликларини даволашда фойдаланилган.

Ҳозирги замон медицинасида ундан экстракт тариқасида турли қон кетадиган касалликларни даволашда қўлланилади.

Бу ўсимлик ҳар йили баҳорда уруғидан, илдизидан униб чиқиб бўйи 20—30 сантиметрга қадар ўсиб ривожланади.

Сувмурч республиканинг ҳамма районларида гоҳ сийрак, гоҳ қалин ҳолда учрайди.

М. ТЎЙЧИЕВ,
табиатшунос олим.

● *Шаҳарлик ҳашарчилар, Сизлар учун*

ПАХТАЗОРДА ОРАСТА БЎЛИНГ

«Биз ҳаммамиз — пахтакормиз!» Бу сўз ҳозир республикамиздаги барча ёшу-қарининг шиорига айланган. Пахтазорда бир зум меҳнат симфонияси тинмайди. «Оқ олтин» майдонлари шаҳарликлар билан тўлиб-тошган. Ҳаммаининг фикри-ёди етиштирилган мўл пахта ҳосилининг бир граммини ҳам нобуд қилмай, йиғиб-териб олишдир. Албатта яхши меҳнат учун яхши шароит зарур. Буни яхши тушунган тиббиёт ходимлари дала меҳнаткашлари ва ҳашарчилар саломатлигини сақлаш йўлида самарали меҳнат қилишяпти. Жумладан, турли касалликларнинг олдини олиш, далада ишловчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш, шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларига риоя қилиш, дала шийпонлари, ҳашарчиларнинг турар жойларини озода тутиш каби масалаларга алоҳида эътибор беришяпти.

Тиббиёт илмининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино «Медицина шахсий гигиена қоидаларидан бошланади», деган эди. Дарҳақиқат, инсон ўз ақл-заковати, хушъаъбли ва озодалиги билан табиат тождори ҳисобланади. Шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаган киши юқумли касалликлар бияан оғриши мумкин.

Ҳўш далада ишлаётган ҳашарчилар ўз саломатликларини сақлаш учун нималарга эътибор беришлари керак? Аввало эрталабки бадан тарбияни унутмаслик зарур. Режим билан кунига 3-4 маҳал овқатланиш, таом олдидан қўлларини совунлаб ювиш, мева ва сабзавотларни истеъмол қилишдан олдин сув эса уларни яхшилаб чайиш керак. Ариқ, ҳовуз ва зовур сувларини ичманг. Чанқоқни қондириш учун иложи борича иссиқ чой ёки қайнатилган сув ичиш мақсадга мувофиқдир. Ортиб қолган овқатни озода жойда, устини ёпиб сақлашни унутманг.

Ётадиган жойингизни ва унинг атрофини озода, саранжом-саришта тутинг. Ўрин-кўрпаларни вақти-вақти билан олиб чиқиб, шамоллатинг. Даладан қайтгач, оёқларингизни совунлаб ювиб, қуритиб артинг. Ҳафтада бир марта ҳаммомга тушиш ва кийим-бошларни алмаштириб турсангиз ўзингизни енгил ҳис этасиз. Уйқу олдидан эса қўлларингизни иссиқ сувда ювиб, глицерин, вазелин ёки терини юмшатувчи махсус крем суртишни одат қилинг.

Дала меҳнаткашлари ва ҳашарчиларимиз меҳнат ҳавфсизлиги ва шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилсалар ишлари баракали, ўзлари эса сиҳат-саломат бўладилар.

Р. ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, медицина фанлари кандидати.



Кузнинг шу долзарб кунларида «оқ олтин» далаларида ҳамшаҳарларимиз фидокорона меҳнат қилиб, улкан пахта хирмонини яратишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Саломатлик посбонлари — шифокорларимиз ҳашарчи теримчилар, пахтакорлар сиҳатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг соғлом ва бардам бўлишларини доим назорат қилиб турибдилар. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ёш шифокори Акмал Йўлдошев шу кунларда Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхоз пахтазорларида меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиб, иззат-ҳурматга сазовор бўлаяпти.

СУРАТДА: шифокор Акмал Йўлдошев доридармонларни олиб, «оқ олтин» тераётганлар ҳузурига бормоқда.

Т. Каримов фотоси.

● СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Ноябрь ойининг бошларида Венгрия пойтахтида совет киноси ҳафталиги ўтказилади. Будапештнинг энг йирик кинотеатрларида сўнгги йилларда яратилган фильмлар билан бир қаторда таниқли совет режиссёри Яков Протазановнинг 1924 йилдан 1943 йилгача бўлган даврдаги киноленталаридан парчалар ҳам кўрсатилади. Фестиваль программасидан болалар фильмларининг бир қанча сериялари, шунингдек Чингиз Айтматовнинг асарлари асосида суратга олинган фильмлар ўрин олган.

● ВЬЕТНАМЛИК УМРИ ЧИНОРЛАР

Аҳолиини рўйхатга олиш бўйича маълумотларга кўра Вьетнамда ҳозирги пайтда 3000 умри узоқ бўлган кексалар яшамоқда. Улар 100 йилдан ортиқ умр кўришган. Шуларнинг 80 процентини аёллар ташкил этади. Узоқ умр кўрувчилар ўртасида чемпион ким дерсиз? У Ву Тхи Ми деган деҳқон бўлиб, яқинда 143 ёшини нишонлади.

● 601 РАҚИБИ БИЛАН БИР ВАҚТДА БЕЛЛАШГАН ШАХМАТЧИ

Рекордларнинг ҳам рекордлардан фарқи бўларкан. Масалан, чех гроссмейстери Властимил Гортнинг эришган муваффақияти чин маънода шахматчига зўр ҳурмат ва унинг маҳоратига тасаннолар келтирди. Яқинда, Кельндаги бир вақтнинг ўзидаги сеанс ўйини пайтида гроссмейстернинг рўпарасида унинг 601 рақиби шахмат тахтаси олдига ўтирди. Мусобақаннинг бир соатидан сўнг Горт 14 партияни ютди, деб хабар берди «Вельт» газетаси.

● ЕНГИЛ САМОЛЁТДА — ДУНЁ БЎЙЛАБ САЁҲАТГА

Ер юзи бўйлаб саёҳат қилиш расмга айланмоқда. 30 ёшли журналист Патрис Франсечи энг енгил самолётда ер юзини айланиб чиқадиган биринчи спортчи бўлишга аҳд қилди. Унинг бир ўринли учиш аппаратига 37 от кучига эга бўлган мотор ўрнатилган. Бу аппарат тезликни соатига юз километргача ошириши мумкин. Спортчи яқинда Парюж остонасидаги Серни аэродромидан кўкка парвоз қилди. Бундай учиш 5 ёки 6 ой давом этиши мумкин, деб тахмин қилинмоқда. Саёҳат маршрути ҳам жуда қизиқ танланган: йўлда икки минг метрдан баланд бўлган тоғ чўққилари учрамаслиги керак. Океанлар устидан эса аппарат бўлакларга бўлиниб самолётда олиб ўтилади. Бундай учишдан кўзда тутилган мақсад спортчилар ўртасида тобора катта шуҳрат қозониб бораётган энг енгил самолётларнинг имкониятларини яна бир синовдан ўтказишдир.

● «КОМЕДИА» ТЕАТРИДАГИ КОМЕДИЯ

Яқинда Мадриддаги «Комедиа» театрида чин маънодаги латифанамо воқеа бўлиб ўтди. Кечқурунги томоша кетаётган пайтда театр биноси ичида икки гуруҳдаги босқинчилар группаси «иш олиб» борарди. Ана шу вақтда театр саҳнасида «Босқинчилар ҳазили» деган пьеса қўйилаётган эди. Пьеса билан банд бўлган актёрлар ўғриларнинг образини яратишга бутун куч ва маҳоратларини сарфлашар, ҳақиқий босқинчилар эса ҳеч бир нарсадан чўчимай талон-тарожчилик билан машғул эдилар. Хуллас, спектакль тугагунча театр кассаси шип-шийдон қилинди, кийимлар турадиган жойдан эса бир қанча қимматбаҳо либослар йўқолди. Босқинчилар актёрларни ҳам «ҳафа» қилишмади, спектакль тугагач артистлар кўплаб қимматбаҳо буюмларни йўқолганини билиб қолишди.

ҚЎЗИҚОРИНДАН ЗАҲАРЛАНМАНГ

● Буни ҳамма билиши керак

Қўзиқорин тўла қийматли овқат сифатида истеъмол қилинади. Қўзиқоринларни териш мавсуми баҳордан бошланиб, ёз ва куз ойларида ҳам давом этади. Бундан ташқари, қўзиқоринлардан тайёрланган консервалар қишда ҳам истеъмол қилинади.

Табиатда қўзиқоринларнинг хиллари жуда кўп бўлиб, истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилиб бўлмайдиган (заҳарли) турлари ҳолида учрайди. Заҳарли қўзиқоринларни истеъмол қилиш натижасида улар таркибидаги токсинлар одам аъзолари ва асаб системаларига ёмон таъсир қилади, одам заҳарланади.

Айрим пайтларда заҳарланиш ҳоллари истеъмол қилиш мумкин бўлган қўзиқоринларни тановул этилганда ҳам кузатилади. Қўзиқоринлар қанча ёш бўлса, унинг таркибидаги заҳарловчи моддалар шунча кам бўлиб, организмга салбий таъсир этмайди. Улар пишиб етилган сари токсинлари кўпаяди. Шунинг учун қўзиқорин теришга чиққан одамлар унинг фақат ёш хилларини теришлари лозим.

Қўзиқоринлар ичида энг заҳарлиси оқиш ёки оқ қурбақа салласидир. Бу қўзиқориннинг салласи диаметри 10 сантиметр, ясси-бўртиқ, оч яшил рангли, баъзан оппоқ бўлади. Унинг оёғи чиройли, асосий йўғон туганаксимондир. Қўзиқорин ўз таркибида аманитгемолизин ва аманитотоксин заҳарларини сақлайди, у одамнинг марказий асаб системасини, мушакларини, юрак қон-томир системасини, жигар, буйрак ва бошқа органларини шикастлайди.

Касаллик аломатлари қўзиқорин ейилгандан сўнг 8—12 соат ўтгач бошланади. Бунда бемор тўхтовсиз қусади, ичи кетади, қорнида кучли оғриқ пайдо бўлади, организм сувсизланади. Касал қувватсиз бўлади, ҳарорати пасаяди, қўл ва оёқлари кўкаради. Заҳарланиш кўпинча фожиали тугайди.

Заҳарли қўзиқоринлардан яна бири қизил мухомордир. Бу замбуруғ ўзига хос кўринишга эга бўлиб, салласи қизил рангда, «оқ сўғаллар» билан қопланган. Бу қўзиқорин ёз ва куз фаслларида учрайди.

Шуни унутмаслик керакки, юқорида айтилган заҳарли қўзиқоринларни қайнатиб ва қовуриш билан уларни заҳарсизлантириб бўлмайди, чунки токсинлари юқори ҳароратга чидамли бўлиб, ўз заҳарини сақлаб қолади.

Истеъмол қилиб бўладиган қўзиқоринлар — сморчки ва строчкидир. Сморчкининг салласи тухум ёки элипс шаклида, оч ёки тўқжигарранг бўлиб, тўлқинсимон кўринишга эга. Салласининг диаметри 3—5 сантиметрни ташкил этади. Оёғи цилиндр кўринишида бўлиб, узунлиги 3—9 сантиметр, йўғонлиги 2—3 сантиметрни ташкил этади, ичи ғовакдир. Сморчки қўзиқорини Тошкент областининг Бўстонлиқ ва Оржоникидзе районларида кўп учрайди. Бу қўзиқориннинг фақат ёш хилларини терган маъқул. Сморчок замбуруғи ташқи кўринишидан заҳарли қўзиқорин строчига ўхшайди. Шунинг учун уни кўп одамлар сморчки деб териб оладилар ва тановул этадилар, натижада заҳарланиш рўй беради.

Заҳарсиз қўзиқоринлардан яна бири шампиньондир. Булар баҳор ва куз фаслларида кўп учрайди. Шампиньонлар далаларда, боғларда, ҳайвон ўғитлари солинган ерларда, парник ва теплицаларда, ҳатто кўча чеккаларида ҳам ўсаверади. Шампиньон Тошкент областининг Оққўрғон, Бўстонлиқ, Ғалаба, Коммунист, Паркент ва Ўрча Чирчиқ районларида кўп учрайди. Яшил сироежка энг кўп тарқалган ва яхши истеъмол қилинадиган қўзиқориндир.

Қўзиқорин теручилар уларнинг заҳарли турларини заҳарсизлардан ажрата билишлари лозим. Агарда терилаётган ёки харид қилиб олинаётган замбуруғлар қайси турга хослиги маълум бўлмаса, уни олмаслик керак, чунки сморчки, сироежек, шампиньонлар кўпинча заҳарли қўзиқоринларга ўхшашдир.

Ўта пишиб кетган, эзилган, қуртлаган ҳамда шиллиқ моддага қопланган қўзиқоринларни сотиш ман этилади, чунки замбуруғлар тез бузулувчан бўлиб, заҳарланиш хасталигини чақириши мумкин. Қўзиқорин терилиши ёки харид қилиб олиниши билан дарҳол яхшилаб ювилиши, қайнатилиши ёхуд қуритилиши лозим.

Қўзиқоринларни сотиб хомлигича мазасини тотиб кўриш ёхуд ейиш асло мумкин эмас.

Б. РАСУЛОВ,
медицина фанлари кандидати.






Тошкент — Олмаота шахмат матчи

ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА

Ўтган чоршанба куни — 17 октябрда «Вечерняя Алма-Ата» ва «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газетхонларининг сиртқи шахмат матчидаги иккинчи партияда оқ доналар билан ўйнаётган тошкентликларининг навбатдаги ўн саккизинчи юришн — e3—e4 юриши эълон қилинган эди. Бу юриш Қозоғистон пойтахтига маълум қилиниб, газетада эълон қилинди.

Жавоб юриши учун ажратилган бир ҳафта муҳлат ўтди. Биз ана шу юришни олдик. Бизнинг e3—e4 юришимизга олмаоталиклар Фd7—c6 юриши билан жавоб бердилар.

Энди навбатдаги ўн тўққизинчи юришни Сиз, Ўзбекистон пойтахтининг шахмат мухлисларн бажаришингиз лозим. Ҳамшаҳарларимизга шу нарсани маълум қиламизки, ўйин давом этаётган партияда тошкентликлар оқ доналар билан ўйнашяпти, навбатдаги юришни маълум қилиш учун бир ҳафта муҳлат ажратилган.



Уз фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўлланг: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик матчи»]га. Таклифларингизни қуйидаги телефонлар орқали маълум қилишингиз ҳам мумкин: 32-55-32, 33-08-74.

„ТО" спорт ҳафтаси



Спорт олами ранг-баранг. Унда қувончли дамлар билан бирга муваффақиятсизликлар ҳам учрайди. Ушбу суратда гимнастикачилар мусобақасидаги драматик вазият акс этган: муваффақиятсиз стартдан сўнг.

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

● Яна бир турдан сўнг Сочида ўтаётган «Россия» фестивалининг эркаклар ўртасидаги шахмат турнири ниҳоясига етади. Аммо ғолиб аниқланиб бўлди. Сўнгги тур олдидан 13 имкониятдан 10 очко тўплаган республикамиз вакили — халқаро спорт мастери Г. Аъзамов Чигорин мемориалининг якка пешқадами бўлиб олди. 8,5 тадан очко тўплаган Л. Псахис ва О. Романишин унга етишолмайди.

Шуни айтиш керакки, бу Г. Аъзамовнинг гроссмейстер унвонига сазовор бўлиш учун кўлга киритган бешинчи балидир.

● Волгоград шаҳрида бадиий гимнастика бўйича СССР Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Кўпкурашда тошкентлик В. Зарипова 76,05 балл тўплаб олтинчи ўринни эгаллади. Венера якка машқларда ҳам муваффақиятли қатнашди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент ВЕЧ. ОҚШОМИ

24 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

«Главташкентстрой»
«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг
54-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА МИНОРАЛИ КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

4,5 ОЙЛИҚ КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲАР ОЙДА 75 СЎМ МИҚДОРИДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

Курсларга камида 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келган йигитлар қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ёлғиз кишилар ётоқхона ва Тошкент шаҳрида прописка билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 700096, Тошкент шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 6-уй (4, 9, 11-трамвайлар; 13, 29, 70-автобусларнинг «Оқтепа майдони» бекати). Ўқув комбинати. Телефонлар: 78-05-17, 78-05-15.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг ёғ-мой комбинати қошидаги
49-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ФИЛИАЛИ
1984-85 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭКСТРАКТ-АППАРАТЧИ ВА ХИМИЯВИЙ УСКУНАЛАР ЛАБОРАНТИ, СОВУТИШ УСКУНАЛАРИГА ХИЗМАТ КУРСАТИШ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ.

БИЛИМ ЮРТИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқиш муддати 3—6—10 ой.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар корхонада мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун юборилади.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 16.30 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, характеристика, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат, (3х4 см. ҳажмида), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт.

ФИЛИАЛ АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Жарқўрғон кўчаси, 47-уй (15, 26-автобуслар ва 15-маршрутли таксининг «Ёғ-мой комбинати» бекати).

49-БИЛИМ ЮРТИ АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй (15, 23, 45, 68, 81, 106, 171, 183-автобуслар, 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
4-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ФИЛИАЛИ
(собиқ 46-кечки ўрта ҳунар-техника билим юрти)
1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

радиотелевизион аппаратуралари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича радиотелемеханик — ҳақ тўланадиган группа, ўқишни тугатгач ишга киришда эркинлик берилади: телефон ускуналари монтажи бўйича алоқа механиги, 09 ахборот—справка хизмати телефонисти, кабелчи — кавшарловчи, шаҳар телефон станциялари электр монтёри, почта вагони бошлиғининг ёрдамчиси, почта алоқаси сортировкачиси.

Алоқа монтажчилари, шаҳар телефон станциялари электр монтёри ва 09 ахборот-справка хизмати телефонисти группаларига Тошкент ва бошқа шаҳарларда пропискаси бўлган 8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ва ундан катта ёшдаги қизлар; кабелчи-кавшарловчи, почта вагони бошлиғининг ёрдамчиси ва почта алоқаси сортировкачиси группаларига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқишга кирганларга танлаган касбига қараб 56—75 сўм миқдорида стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ЙИЛ.

Билим юртини битирган ўқувчилар (радиотелемеханиклар бундан истисно) база корхоналарига: Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошқармаси район станцияларига, «Союзтелефонстрой» тресги қурилиш-монтаж бошқармаси ва «Узбектелефонстрой» қурилиш-монтаж бошқармасига, Тошкент темир йўл почтамтига ишга юбориладилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини муваффақиятли тугатган ўқувчилар ўрта ва олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзлардан фойдаланадилар.

Зарур бўладиган ҳужжатлар: билим юрти директори номига ариза, таржиман ҳоли, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), 4 дона фотосурат (3Х4 см.), маълумоти тўғрисида гувоҳнома.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Кафанов кўчаси, 51-уй («Госпитал бозори» бекати яқинида; 8, 9, 10, 24-трамвайларнинг «Кафанов кўчаси» бекати, 2, 5-трамвайлар; 2, 3, 80-автобусларнинг «Госпитал бозори» бекати).



КУЗ НЕЪМАТИ ДАСТУРХОНИНГИЗДА!

КУЗ — ДУРКУН САБЗАВОТЛАР ПАЛЛАСИ.

Маълумки улар саломатлигимизнинг иттифоқчилари. Уларда витаминлар, органик кислоталар, оқсиллар, микроэлементлар мужассамлашган. Сабзавотларнинг ҳузурбахш лаззати бир олам! Худди шулар таомни хушхўр, лаззатли қилади.

Масалан мантини олайлик, унн пиёзсиз тайёрлаб бўлмайди. Бу таомда асосий масаллиқлардан бири ҳисобланади. Қайси бир салат ёки винегрет сабзавотсиз тайёрланиши мумкин!

Ошхонамизда лавлаги ҳам ҳаққоний равишда дастлабки ўринлардан бирини эгаллайди. Биз лавлагидан боршчлар, лавлаги шўрвалар, котлетлар тайёрлабгина қолмай, ундан салатлар, газаклар, ҳатто ичимликлар тайёрлашга ҳам ўрганиб қолганмиз.

Кўпчилик хонадонларда қовоқнинг қадрига унчалик етишмайди, лекин бу бебаҳо тўйимли неъматдир.

Қовоқ инсон организми учун ҳамиша шифобахш ҳисобланиб келган. Айниқса юрак-томир касалликларда ундан даво мақсадида фойдаланишади.

Қайнатилган қовоқ ҳароратни пасайтиради, бундан ташқари қовоқ уруғи ҳам ғоятда хушхўрдир.

Хушхўр полиз экинлари орасида тарвуз одатда овқатдан кейин ёки олдин дастурхонга катта файз киритади. У кишининг кайфиятини кўтаради, иштаҳасини очади.

Лекин тарвузнинг кўмкўк терисида бир олам витаминлар яширинганини яхши билмаймиз. Унинг пўстидан мураббо тайёрлайса айни мудаао бўлар эди. Бунинг учун эти қалин бўлган тарвузларни сотиб олмоқ керак.

САБЗАВОТ ВА ТАРВУЗДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ҚАМ УЧРАЙДИГАН БИР НЕЧА РЕЦЕПТЛАРНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ.

ЛАВЛАГИ САЛАТИ

Ўртача ҳажмдаги бир дона лавлаги, 2 дона тузланган бодринг, ўртача катталикдаги саримсоқ пиёзни гўшт қиймалагичдан ўтказасиз (ёки қирғичда яхшилаб қирасиз), яхшилаб аралаштирасиз, салатдонга соласиз. Дастурхонга тортишдан аввал устидан майонез қуйиш керак.

ЛАВЛАГИ ИҚРАСИ

Лавлаги, сабзи, пиёзни парраклаб тўғрайсиз, гўшт қиймалагичдан ўтказасиз (аввал йирик решеткасидан, кейин майдасидан). Сабзавотни чуқур товага ёки кастрюлькага соласиз, газ плитасининг духовка шкафига қўясиз, юмшагунча алангада сақлайсиз. Шундан кейин бироз ўсимлик мойи қуясиз. Таом пишишига 5-10 минут қолганда томат пастаси ёки майда тўғралган помидорни қўшасиз.

Масаллиқ: 5 дона лавлаги, 3 дона сабзи, 1-2 бош пиёз, 100 грамм ўсимлик мойи, 3 ош қошиғида томат пастаси ёки 4-5 дона помидор, туз, таъбга яраша мурч.

ҚОВОҚДАН ШИРИН САЛАТ

200 грамм қовоқни юпқа парраклаб тўғрайсиз, шунингдек майда тўғралган олма билан аралаштирасиз, устидан лимон ёки мева шарбатини, озгина майда тўғралган лимон, ширинлиги учун эса асал соласиз. Устидан янчилган ёнғоқ сепасиз.

ВЕНГЕРЧА ҚОВОҚ ТАОМ

500 грамм қовоқни ва 100 грамм нордон гармдорини парраклаб тўғрайсиз, 50 граммли ёғда пиёзни қовуриб оласиз. Ҳаммасини аралаштириб уларга 1/8 литр шўрва ёки сув қуясиз. Устидан қовурилган ун сепасиз ва дастурхонга тортишдан олдин қаймоқ ва майда тўғралган укроп қўясиз.

ШАКАРЛАНГАН ТАРВУЗ

Бу хушхўр таомни тайёрлаш учун тарвузни эти билан қайнатасиз. Устини ювиб ташлайсиз, ихчам бўлаклаб тўғрайсиз. 8—10 соат давомида намаги келтирилган сувга солиб қўясиз (1 литр сув учун 4 ош қошиғида туз олинади). Шундан кейин яхшилаб ювасиз ва 10-15 минут қайноқ сувга солиб қўясиз.

Бир неча хил усулда қайнатилади. Дастлаб 40 процентли шакар шарбати (40 грамм шакарга 60 грамм сув солинади)да икки—уч марта қайнатасиз, шундан кейин шакар шарбатига қолган шакарни соласиз (1 килограмм тарвуз эти учун бир килограмм шакар миқдори олинади). Ҳар бир қайнатувдан кейин тарвуз эти 4-5 соат совутилади.

Сўнгги қайнатув тугагандан кейин тарвуз этини човлига оласиз. Шарбати силқийди. Агарда совутилган ва силқитилган тарвуз терисида оқпар шакар қирови пайдо бўлган бўлса — шакарланган тарвуз тайёр бўлади.

Тайёр бўлган таом пергаментли қоғозга ўралган ҳолда картон ёки ёғоч яшикларда сақланади. Цукатнинг ҳар бир қатламига ҳам шундай қоғоз ёзилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕВА-САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ (телефон 56-33-98).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

4 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ
24 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

ЧОРШАНБА

24 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.45 «Поэзия». И. Сельвинский.
18.25 «Дунё ва ёшлар».
19.00 Футбол бўйича УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Локомотив» (Лейпциг) — «Спартак» (Москва). ГДРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.45) —«Дунё воқеалари».
20.55 «Сизни Свердловск опера театри таклиф этади».
21.30 «Время».
22.05 «Театрда, кинода ва телевидениеда музика» кўрсатуви сақифаларида.
22.30 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. 1/8 финал. «Левиски-Спартак» (Болгария) — «Днепр» (Днепропетровск). Болгариядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.15) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 И. Штраус номли Вена камер оркестрининг концерти. Дирижёр — Петер Гут.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.20 «Қишлоқда болалиги ўтган жойлар». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қаҳратон қиш ҳарорати». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.15 Халқаро конкурслар лауреати Кристиана Блекшоу концерти (Буюк Британия).

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мультфильмлар.
18.40 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг техника фанлари доктори Х. З. Икромова билан учрашуви.
19.10 Адабий театр. И. Уктамов. «Дўстлик қўшиғи».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Китоб ва ҳаёт». Ғ. Ғулом номли бадиий адабиёт нашриёти (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.55 Р. Қурбонов ва М. Тожибоев концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Чўлдаги икки киши». Бадиий фильм.
23.40 «Бугун оламда нима гап?».

ПАЙШАНБА

25 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 Мультфильмлар.
10.25 «Жавобсиз қолган севги». Бадиий фильм.
11.55 «Мўъжизасиз-мўжизалар».
12.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қардошлик қонунига биноан». Ҳужжатли фильм премьераси.
16.10 «Қувноқ стартлар».
17.00 «Гренада акс-садоси». Ҳужжатли фильм.
17.30 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
18.00 «Миллионлар лениича университети». «Икки дунё — икки сиёсат».
18.30 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги. 1/8 финал. «Динамо» (Москва) —«Ҳамрун» (Мальта). 2-тайм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.45 Футбол бўйича УЕФА кубоги. 1(16 финал. «Спортинг» (Лиссабон) — «Динамо» (Минск). 2-тайм. Португалиядан олиб кўрсатилади.
20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Бу йўлларни биз унутмаймиз». Шоир А. Межиров сўзи.
22.30 «Телевидение фондидан». Ленин мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти Д. Ойстрах концерти.
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.30 «Уралмашликлар».
12.05 — 12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.55 «Автоҳаваскорлар, унутманг». Илмий-оммабоп фильм.
14.15 «Менинг ёш дўстларимга». М. М. Пришвин асарлари сақифаларида.
15.00 «Шаҳарни қабул қилдим». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Ҳужжатли фильмлар: «Атом билан мулоқот», «Пропагандистнинг ижодий плани».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 «Ритм» операцияси». Қозоғистон ва Сибирнинг бир-бирига боғлиқ корхоналари ўртасидаги мусобақани ривожлантириш ҳақида 1-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Автокросс бўйича Европа чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.20 «Олтин тоғлар». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қаҳратон қиш ҳарорати». Телевизион бадиий фильм премьераси 2-серия.
23.10 «Езувчи ва ҳаёт».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Бир қўшиқ ҳақида».
10.45 Мактаб ўқувчилари учун. Светофор».
11.30 Ўқув программаси (рус).
12.00 «Океан». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм
18.30 «Анъаналар ва замонавийлик».

ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.00 «Ҳаёт мактаби». Ҳонқа районидаги М. Қаландаров номли ўрта мактабнинг ўқувчилар бригадаси ҳақида кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус). Хоразм телевидениеси программасининг давоми.
19.50 1. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Садоқат». Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳақида. 2. «Кўҳна касбнинг янги умри». Хива бадиий кулолчилик заводи коллективи ҳақида (рус.).
20.30 «Ахборот»
Хоразм телевидениеси программасининг давоми.
20.55 Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Римонов номли колхознинг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Қалдирғоч» ансамбли концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ойнадан ўпкалама». Хажвий телефельетон.
22.55 «Мутлақо жиддий». Бадиий фильм.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.20 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Рус тили — мактаб ўқувчиларига.
18.45 СССР халқларининг куйлари.
19.15 Ўқув программаси.
19.45 Реклама.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Стратион қизи». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
— орган Ташкентского горкома Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади)
БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
Телефонлар: секретариат— 33-57-02; партия турмуши— 32-53-66; саноат —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; транспорт ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, маориф, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-91; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари —33-28-95; хатлар — 33-29-70; вилоятлар бўлими— 33-91-42; диспетчерлар — 32-78-94.
Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Навоий кўчаси, 30. Индекс 63-Р.
Р—12527. Б-2015.

1-шаҳар клиник касалхонаси маъмурияти, партия ва союз ва комсомол ташкилотлари касалхона ветерани Қ. Т. Ризаевга онаси Ҳабиба РИЗАЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар ва Икромов район санитария-эпидемиология станциясининг коллективлари Икромов район санитария-эпидемиология станциясининг Бош давлат санитария врачи Р. Р. Фозилова онаси Зуҳра ТУЛАГАНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия қиладилар.